

8-10-2019

PEDAGOGICAL DESIGN DESIGN AND DESIGN STAGES OF HIGHER EDUCATION

Zulayho Olimjon qizi Rashidova

Uzbek state university of world languages department of "Pedagogy and psychology"

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Rashidova, Zulayho Olimjon qizi (2019) "PEDAGOGICAL DESIGN DESIGN AND DESIGN STAGES OF HIGHER EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 70.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/70>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

PEDAGOGICAL DESIGN DESIGN AND DESIGN STAGES OF HIGHER EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИҲАЛАШ МОҲИЯТИ ВА ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Рашидова Зулайҳо Олимжон қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология”
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Олий таълим тизимида педагогик жараёни лойиҳалаш моҳияти ва лойиҳалаш босқичлари илмий асосда ёритиб берилган. Шунингдек мақолада педагогик жараёни лойиҳалашнинг омиллари яъни чеклов ва кўрсатмаларни ҳисобга олиш, таълим мазмуни илмийлик ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг таҳсил олувчилар томонидан қабул қилиниши даражасининг ўзаро мослиги педагогик тамойиллар асосида ёритиб берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: Олий таълим, компетенция, лойиҳа, мазмун, фаолият, инновация, техноген цивилизация, ўқитувчи, талаба, ҳамкорлик педагогикаси, тамойил, ўқув фаолияти.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ПРОЕКТНЫЙ ДИЗАЙН И ПРОЕКТНЫЕ ЭТАПЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Рашидова Зулайҳо Олимжон қизи

Ассистент преподаватель Узбекского государственного университета мировых языков
кафедры «Педагогика и психологии»

Аннотация. В данной статье подчеркивается важность проектирования педагогического процесса в системе высшего образования и этапов его проектирования. В статье также излагаются факторы, которые влияют на структуру педагогического процесса, с учетом ограничений и указаний, содержания образовательных и научно-практических потребностей, организации учебного процесса, а также степени принятия содержания и принятия студентами педагогических принципов.

Ключевые слова: Высшее образование, дополнение, проект, содержание, деятельность, инновация, искусственная цивилизация, преподаватель, студент, совместная педагогика, принцип, образовательная деятельность.

PEDAGOGICAL DESIGN DESIGN AND DESIGN STAGES OF HIGHER EDUCATION

Rashidova Zulayho Olimjon qizi

Uzbek state university of world languages department of "Pedagogy and psychology"

Abstract: This article emphasizes the importance of designing the pedagogical process in the system of higher education and the stages of its design. The article also outlines the factors that influence the structure of the pedagogical process, that is, taking into account limitations and indications, the content of educational and scientific-practical needs, the organization of the educational process, and the degree of acceptance of the content and acceptance of pedagogical principles by students.

Key words: Higher education, addition, project, content, activity, innovation, artificial civilization, teacher, student, joint pedagogy, principle, educational activity.

Акцелерация ва глобаллашув, техноген цивилизация жараёнларининг жадал ривожланиши таълим - тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ.

Бугунги кунда Олий таълим тизимида ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутати. Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. [2] Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун педагогик жараённи лойиҳалаш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминлаш, ўқув фаолияти мазмунини янада бойитиш, илмий - техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни ўқитиш услублари, уларни тизимли равишда бойитиб ва янгилаб бориш масаласи, таълим тизимида юқори кўрсаткичларга эришишда энг муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат-эътиборларини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Фаробий, Ян Амос Коменский, Дмитрий Константинович Ушинский, Абдулла Авлоний, Ҳамза Хақимзода Ниёзий, Абдуқодир Шақурий ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг жадаллашуви, шунингдек, илм – фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликларнинг сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз- ўзидан таҳсил олувчиларга улар борасида тезкор суръатда ва замон талаби билан ҳамнафас маълумотлар бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу талабнинг ижобий равишда қондирилиши, энг аввало, илмий-назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг қулай, мақбул шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилиши ўқув манбалари (ўқув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек, педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига бевосита боғлиқдир.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурида ҳам “ илм – фанни янада ривожлантириш, уни академик илм – фан билан интеграциялашувини кучайтириш” [1] устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўқув

дастури мазмунининг мукамаллиги, дарслик ҳамда қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий хусусиятларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқитувчи ҳамда таҳсил олувчилар ўртасида ижобий, самимий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллашнинг яна бир омили – бу муайян, яхлит таълимий жараённи олдиндан лойиҳалаш, таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташхислаш ҳамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини аввалдан башоратлай олишдан иборатдир. Олий ўқув юртлари ўқув жараёнини лойиҳалашнинг энг мақбул, кенг маълумотлар базаси педагогик технология ва унинг моҳиятини очиб берувчи Б.П.Беспалько, М.В.Кларин, В.Сластенин, М.О.Очилов, Н.Саидахмедов, К.Зарипов ва бошқалар томонидан яратилган адабиётлар орқали хабардор бўлишимиз мумкин.

Олий таълим тизимида педагогик жараённи лойиҳалаш моҳияти педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш, натижаларни олдиндан кўра билиш, режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади.

Педагогик жараённи лойиҳалаш – лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир [3].

Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма - кет амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан яқунланувчи таҳлилий фаолият, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим - режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имкониятигина ҳисобга олинмаслиги керак. У асосан алоҳида таҳсил олувчи ва таҳсил олувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Лойиҳалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда, педагогик жараённи акс эттирувчи умумий стратегия ҳисобланади. Лойиҳалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараённи самарали ҳал этишнинг муҳим шarti бўлиб, педагогик мақсад педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин - кетин англанишига боғлиқ.

Педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра педагогик жараённинг маълум босқичи моҳиятини аниқ ифодаладиган босқичли вазифалар (алоҳида олинган босқич вазифалари)ни, ниҳоят хусусий (вазиятли) педагогик вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалаштиришда: умумий педагогик вазифалар (педагогик жараён хусусиятларини яхлит ҳолда инобатга олиш асосида белгиланувчи), босқичли педагогик вазифалар (маълум босқич хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланувчи), вазиятли педагогик вазифалар (муайян вазиятларни инобатга олган ҳолда белгиланувчи) белгилаб олинади. Қуйида биз бир соатлик ўқув машғулотида намуна келтираимиз.

Дарснинг бориши:

1-топширик.

Топшириқнинг мақсади: берилган расм ёрдамида талабаларда янги технология бўйича тушунча ҳосил қилиш .



Қуйидаги берилган расмни ўрганган ҳолда “Discovery learning” технологияси нима эканлиги ҳақида ўз фикрини билдириши ва гуруҳ аъзосидан бир киши уни тушунтириб бериши таклиф этилади.



Берилган 1- топшириқ асосида фикрлар умумлаштирилади яъни бутунги дарсни юқорида айтиб ўтилган “Discovery learning for English learning students and case study method” олиб борилиши ҳақида айтиб ўтилади. Сўнгра янги мавзунини бошлаш учун яна гуруҳлар билан ишланади ва уларга **2-топшириқ** берилди.

2- топшириқ.

Топшириқнинг мақсади : кўрсатилган расмлар асосида янги мавзу нима ҳақида эканлигини талабаларни ўзлари фикр юритишга ундаш.

Педагогик тажриба ва қузатувларимиз шуни кўрсатадики, таълим жараёнида педагогик вазият етарли даражада тўғри англанилмаса, у ҳолда педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Эндигина касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи тажрибасизлигидан педагогик вазиятни тўғри англаш, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. Шу сабабли улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади.

Аммо, айрим ҳолатларда тажрибали педагоглар ҳам педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада педагогик фаолиятда номуносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педагогик мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш - олмаслигини ўйлаб ўтирмай, таҳсил олувчиларни фаоллаштиради, кўргазмани қуроолардан фойдаланади, билимларни назорат қилади.

Н.В.Кузьминанинг фикрига кўра педагогик фаолиятнинг яна бир номуносиблик томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларни

иккинчи даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва фақат уларгагина ўз диққатларини қаратадилар (дарсни ташкил этиш, тадбирлар ўтказиш ва ҳоказо).

Таълим жараёнини технологиялаштириш лойиҳани яратиш, таҳсил олувчилар фаолиятини ташхислаш, педагогик жараённи ташкил этиш, педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш каби педагогик фаолиятнинг муҳим кўринишларини ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрлардан англанидек, ҳар бир босқичда амалга оширилаётган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ҳар бир ҳолатнинг пухта бажарилишига эришиш эса амалий фаолият (ўқув жараёни)нинг муваффақиятини таъминлашга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда Олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири таълим жараёнини технологиялаштиришдан иборат. Ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашда ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг таълим амалиётида фаол қўллаш, ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган замонавий технологиялардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга:

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi PF – 5264 – son farmoni"

2. Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligining 2016 yil 12 avgustdagi 332 – son buyrug'i bilan tasdiqlangan "Oliy ta'lim muassasalari pedagog kadrlarining kasbiy tayyorgarligiga qo'yiladigan muvaqqat malaka talablari".

3. Pedagogik texnologiya: muammo va istiqbollar (zamonoviy pedagogik texnologiyaning ilmiy-nazariy asoslari). Mualliflar guruhi./ Toshkent 2008 OO'MKHTRM, 300 bet"